

2018

Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannah

Ibrohim Usmonov

International Islamic Academy of Uzbekistan, ibrohim6231@yahoo.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Usmonov, Ibrohim (2018) "Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannah," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

МОВАРОУННАХР УЛАМОЛАРИ АСАРЛАРИДА ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИ

ИДЕИ МУСУЛЬМАНСКОГО АЛЬТРУИЗМА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УЧЁНЫХ МАВЕРАННАХРА

MUSLIM ALTRUISM IDEAS IN THE SCIENTISTS' WRITINGS OF MAVERANNAHR.

Калит сўзлар: жавонмардлик, футувват, ахийлик, ийсор, олуфта, Ибн Баттута, сарбадор, деҳқоннома.

Ключевые слова: джаванмард (альтруизм), футувват, ахий, ийсар, олуфта, Ибн Баттута, сарбадары, книга крестьян.

Key words: javanmard (altruism), futuvvat, akhiy, iisar, olufta, ibn Battuta, sarbadary, book of peasants.

Футувват аҳлини Мовароуннахр диёрида “жавонмардлар” (форс. ёш йигит) деб атаганлар.

Жавонмардлик X асрда Мовароуннахрда кенг тарқалган ва тасаввуфнинг юксак ахлоқий нормалар назарий жиҳатининг амалий татбиқи бўлган, дейиш мумкин.

Гарчи илк ўрта аср Мовароуннахр адабиётларида “футувва” ёки “жавонмардлик” деган терминлар учрамаса-да, уларга хос бўлган сифатлар кўпроқ тасаввуфий асарларда учраб туради. Жумладан, Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.), Абу Бакр Калободий (ваф. 990 й.), Мустамлий Бухорий (XI аср) ва бошқа олимлар ўз асарларида жавонмардлик ахлоқларини тараннум қилганлар.

Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ўз услубига кўра, ўз асарларида футувватга оид хулқларни баён қилган. Айрим тадқиқотчилар томонидан Аё Софиядаги № 2049 рақамли қўлёзмалар мажмуасида тўпланган 10га яқин футувватнома асарларидан бири Ҳаким Термизийга нисбат берилади. Жумладан, мисрлик олим Муҳаммад Жуюший Аё Софияда Ҳаким Термизийга мансуб “ар-Рисала фи-л-футувва” асарининг ягона нусхаси сақланишини ҳамда бу асар футувватга доир илк асарлардан эканини қайд этади [9:96]. Тасаввуфга оид мўътабар манбаларда Ҳаким Термизийнинг футувват ҳақида айтган гаплари келтирилади. Жумладан, “ар-Рисала ал-Қушайрия” асарининг “Футувват” бобида Ҳаким Термизийдан ривоят қилинади: Муҳаммад

ибн Али Термизий деди: “Футувват – бу Раббинг учун нафсинга душман бўлмоғингдир”. Муҳаммад ибн Али Термизий деди: “Футувват – бу сенинг наздинда муқим одам ва кутилмаган меҳмонни бир хил кўришингдир” [2:351]. Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул” асарининг “Арабларнинг фазилати” га бағишланган 67-бобида Исмоил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломдан саховат, бағрикенглик, шижоат, улфатчилик каби энг яхши фазилатларни ўзлаштириб олганини айтади. Араблар орқали бу фазилатлар умматга мерос бўлиб қолди. Ҳаким Термизий футувватга хос хислатларни Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳаётлари мисолида тасвирлайди: “Хайбар фатҳ этилганда ўлжалар фақатгина маккалик муҳожирларгагина тақсимланди. Зеро, муҳожирлар Мадинага мол-мулксиз кўчиб келган эдилар, ансорлар уларга уй-жойларини бердилар, озуқаларини баҳам кўрдилар ва ҳаттоки ансорлардан бири ўз аёлини муҳожирга никоҳлаб ҳам бермоқчи бўлди” [18:444 – 471]. Шу сабабли ҳам Аллоҳ таоло ансорларни мадҳ этди:

“(Ансорлар) ўзлари (ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суйгайлар ва дилларида уларга берилган нарса (ўлжалар) сабабли ҳасад сезмаслар” (Ҳашр, 9).

Яъни муҳожирларга берилиб, ансорлар маҳрум бўлган нарсаларга қалбларида танглик, бахиллик, рақобат ҳис этмайдилар.

“ҳамда ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар” (Ҳашр, 9).

Яъни, ансорларнинг ўзларида ҳам фақирлик ва ўлжага эҳтиёж бор эди, аммо улар ўзларидан муҳожирларни ийсор қилдилар (афзал билдилар)” [18:463 – 464].

Бухоролик машҳур олим Абу Бакр Муҳаммад Калободийнинг “Таъарруф” асарида футувватнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган “ийсор” – “бошқани ўзидан афзал кўриш” га алоҳида ўрин берилади. Жумладан, Калободий мазкур асарнинг “Тасаввуф ўзи нима” деган 32-бобида тасаввуфнинг арконлари 10 та эканини қайд этиб, шулардан 4-си “ийсорул ийсор” эканини зикр қилади. Сўнгра “ийсорул ийсор” нима эканини шарҳлайди: “Ийсорнинг фазли бошқада бўлиши учун ийсор билан ўз нафсига бошқани афзал кўрсатиш” [13:61].

Ушбу давр адабиётида футувват мазмун жиҳатидан мавжуд бўлган, унинг ахлоқий тамойиллари намоен бўлган, диний асослари кўрсатиб берилган.

Хоразмлик аллома Абу Райҳон Бериуний (973 – 1048) ўзининг “ал-Жамоҳир фи маърифати ал-жавоҳир” (Минералогия) асарида биринчилардан бўлиб футувват атамасини ишлатган ҳолда

Мақолада ўрта аср Мовароуннаҳр диёридаги жавонмардлик ҳаракати ҳақида сўз боради. Ушбу ҳаракатнинг маънавий асослари Ҳаким Термизий, Беруний, Калободий, Югнакий, Кошғарий, Навоий, Кошифий асарлари ҳамда хорижий сайёх Ибн Баттутанинг сафарномаси орқали таҳлил қилинган. Жавонмардлик араб диёрларида “футувват”, турк диёрларида “ахийлик” деб юритилган. Аксарият муаллифлар жавонмардликни тасаввуфнинг амалий босқичи сифатида эътиборга олганлар. Кейинги даврларда жавонмардликнинг майда элементлари турли адабиёт, урф-одат ва ўзига хос маҳаллий кўринишларда намоён бўлди. Садриддин Айнийнинг “Бухоро олуфталари” ҳақидаги ҳикояси айнан тарихда юқори сифатларга эга бўлган жавонмардликнинг содда-маҳаллий кўринишидир. Жавонмардликдаги “ийсор” – “ўзгани афзал билиш” ғояси асрлар давомида юртимиз аҳолисини эзгу ишларга ундаб келган.

В статье говорится о движении джаванмардов в средневековом Мавераннахре. Духовные основы этого движения анализировались в трудах Хакима Тирмизи, Бируни, Калабади, Югнаки, Кашгари, Навои, Кашифи и Ибн Баттуты. Арабы называли джаванмардов «фатий», а в Малой Азии их именовали «ахи». Большинство авторов рассматривают футувват как практическую сторону суфизма. В последующие века небольшие элементы мусульманского альтруизма (джаванмард) проявлялись в различной литературе, в народных обычаях и традициях, принимая примитивную местную форму. Садриддин Аини в своих «Воспоминаниях» упоминает «бухарских олуфта» – упрощенный пример джаванмардов, имевших некогда высокое положение в обществе. Идея джаванмардов «ийсар» – «признание первенства других» во все времена направляла людей региона на благие деяния.

The article discusses the medieval movements of medieval Javanmard Maverannahr. The spiritual foundations of this movement were analyzed in the writings of Hakim Tirmidhi, Biruni, Kalabadi, Yugnaki, Koshgari, Navai, Kashifi and Ibn Battuta. Arabs called Javanmards “Fatiiy”, and in Asia Minor they were called “Ahi”. Most authors view futuvvat as a practical side of Sufism. In the following centuries, small elements of Muslim altruism manifested themselves in different literature, in folk customs and traditions, and they also assumed a primitive local form. Sadriddin Aini in his “Memoirs” mentions the “Bukharian Olufta” – a simplified example of the Javanmards who had once a high rank in society. The idea of javanmard “Iisar” – “recognition of the primacy of others” at all times has directed the people of the region to good deeds.

футувват ва мурувватни фарқлашга бағишланган алоҳида бир боб ажратган. Унда Беруний ёзади: “Мурувват – инсоннинг ўзи, қўл остидагилари ва ўз ҳолати билан чекланади. Футувват эса булардан

ҳам ўтиб, бошқаларга ҳиммат қилишидир. Мурувватли киши фақат ўзи ва ҳеч ким дахл қилмайдиган молигагина эгадир. Агар у одамларнинг қарзларини ўз зиммасига олса, уларнинг роҳати учун машаққатларига чидаса, Аллоҳ унга бериб бошқалардан маҳрум қилган нарсаларини беришда бахиллик қилмаса, у “фатий” дир. У бу ишларга қодирлиги билан ном қозонган, ҳалимлик, олийжаноблик, вазминлик, сабр-бардошлилик ва эътиборлиги билан бирга камтарлиги билан ҳам танилгандир. Гарчи (насаби жиҳатидан) унинг аҳлидан бўлмасада, у энг олий мақомларга эришади. Бу нарсаларга насабининг олийлиги билан эмас, балки ҳақлиги билан эришади. Жаҳза ал-Бармакий ҳикоя қилишича, Басрада бир киши бўлиб, энг саракийимларини кийиб, энг учқур отларини миниб одамларнинг ҳожатларини чиқаришга бел боғлаган эди. Ундан нега бундай қилишини сўраганларида, шундай деб жавоб қилди: “Мен энг яхши замонларда ажабтовур қушларнинг оҳангидай куйлайдиган хонандалар куйларидан хузурланиб, олий нав майларни хумдонлардан ичдим. Лекин мен бирор кимсага яхшилик қилганимда, биродарларим олдида миннатдорчилик билдириши каби сурур ҳиссини туймадим”. Шунинг учун ҳам футувват – ёқимли хушxabар, саховат билан берилган ҳадя, яхши фазилат, бартараф этилган азият деб васф этилган. Бир олийнасаб оила меросхўрларидан бири Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга аждодлари номини ўртага қўйиб мурожаат қилди. Исмоил Сомоний унга жавоб қилди: “Исомий (ўз куч-иқтидори билан йўл топувчи) бўл, изомий (суякчи) эмас”, яъни ўз ҳаёт йўлини ўзинг йўлга қўйгучи бўл, ўтиб кетган аждодларинг билан эмас.

Фатий баъзан мол-мулк борасида бошқаларни афзал кўришда муболаға қилади. Ҳатто фатий ор-номусни юқори қўйиб, адолатсизликни бартараф этиш, меҳмонга ҳомийлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ўзини фидо қилиши мумкин. Ўз меҳмони ёки ёрдам сўраган кишисини ҳимоя қилиб жонини фидо қилган араб қароқчилари каби жасорат кўрсатиши мумкин. Улардан баъзилари эса тентаклик даражасида ишлар қилиб, ҳатто чодир атрофига қўнган чигирткани тутиб олмасликлари (меҳмон ҳимояси) учун жанг қилганлар. Бошқалари эса Ҳотам Тоий каби ўз жонини таҳликага қўйиб саховатпешалик қилганлар. Бир куни жони ҳалқумига келган душман ўлим яқинлигини билиб, ҳийла қилади: Ҳотам Тоийдан найзасини ҳадя қилишни сўрайди. Ҳотам эса саховат юзасидан унинг илтимосини рад эта олмай, унга найзасини бериб юборади. Ёки Каъб ибн Мама Аъдий каби қуръа ташлаш билан олган сув улушини дўстига бериб, ўзи ташналиқдан

вафот этади. Бир шоир айтганки, саховатнинг энг олий нуқтаси – ўзини фидо қилишдир. Бошқаси шундай деган:

Фатийларнинг фатийси – тонгда эрталабки ва оқшомда кечки шарбатни ичадиган киши эмас.

Балки фатийларнинг фатийси – эртаю-кеч душманга зарар етказиш ва дўстга манфаат келтиришга бел боғлаган кишидир” [1:6 – 8].

Яна Беруний футувват ва мурувват ҳақида шундай ёзади: “Мурувватни Умар ибн Хаттоб (р.а.) “кийимдаги покизалиқдир”, деган. Бошқа бир киши айтганидек, “ал-муру’а аз-зоҳира фи-с-сияб ат-тоҳира”, яъни кўриниб турган зоҳирий мурувват пок либосдадир. Зеро, либосни пок тутиш тана тозалигидан бошланади, токи тана билан либосни ичидан кир қилмасин. Сўнгра у хонадони, мажлис жойларини тоза туттади. Демак, буларнинг барчасига пок кийим билан эришилади. Баъзи аҳли тафсиллар “Ва либосингни тоза тут” (Муддассир, 4) оятини “қалб ва ниятингни пок тут” деб шарҳлайдилар. Бу ҳам эҳтимолдан холи эмас. Оятнинг зоҳири ҳам ботини ҳам ақл сиғдирадиган даражада ғоятда яхшидир. Бу мурувватнинг энг тор чегарасидир. Гарчи кимдир буни “раҳбарликка ружу қўйиш” деб шарҳласада, раҳбарликка вазминлик ва саъй-ҳаракат билан эришилади. Бу эса мурувватнинг эмас, балки футувватнинг сифатидир” [1:12 – 13].

IX асрдан бошлаб футувват ва жавонмардлик хулқлари диний адабиёт доирасидан четга чиқа бошлади. Марказий Осиёда футувват ғоялари футувватнома, пандномалар билан бир қаторда халқ ҳикоялари ва дostonларида ҳам тараннум этилди: Гўрўгли, Алпомиш, Манас ва бошқа.

Марказий Осиёда яратилган “Қутадғу билик”, “Ҳибатул ҳақоик” (ёки “Атабатул ҳақоик”), “Девону луғотит турк” асарларида айнан футувват ёки жавонмардлик сўзлари қўлланмасада, жавонмардликка доир мавзулар муҳокама қилинган. Шу билан бирга ушбу 3 манбада “ақи” сўзи ва унинг ҳосилалари (ақилик, ақилар) орқали жавонмардлик-футувват-ахийликка оид тушунчалар ифода этилган. “Қутадғу билиг”да ушбу сўз “ақи”, “ақи бўл”, “ақилик” кўринишида 61 ўринда келтирилган; “Атабатул ҳақоик”да “ақи бўл”, “ақи эр”, “ақилик” кўринишида 14 ўринда келади [12:1 – 23]. “Девону луғотит турк”да эса “ақи” сўзи қуйидагича изоҳланади: “ақи – қўли очик, сахий” [21:116]. Ақидан ясалган “ақилади” – сахий ҳисоблади. “Ол мени ақилади” – у мени сахий деб ҳисоблади. Ақилар, ақиламақ [21:302]. Қозғил менга ақилиқ бўлсун манга оёғо, Изғил мани тўқишға, ювгил манга улаға. (тарж. Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахийлик

номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин) [22:187].

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан “ақи” сўзи кейинчалик “ахи”га айланиб, арабий талаффузга яқин бўлган, деб “ахийлик” атамасининг келиб чиқишини туркий асосга боғлайдилар. Мағриблик машҳур сайёх Ибн Баттута эса XIV асрда Кичик Осиёга қилган сафари давомида учратган бу сўзни арабий асосга эга, деб тушунган ҳолда китобида шундай таърифлаган: “Ахийя” (ахийлик) нинг бирлиги “ахий” бўлиб, (арабча) ал-ах лафзидадир, унга биринчи шахс эгалик олмоши қўшилган кўринишидир” [10:257].

Буюк шоир Алишер Навоий (1441 – 1501) ҳам ўз асарларида “ахий” сўздан фойдаланган:

Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очга берганни сахий де,

Ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де (Маҳбул қулуб, Танбеҳ 11, Саховат ва ҳиммат бобида).

Алишер Навоийда “ахий” сўзи бу ўринда “Девону луғотит турк”да келтирилган мазмунидан ҳам олийроқ мазмунни касб этган. Шоир ийсорнинг энг юқори кўринишини “ахий” деб атайди.

Алишер Навоий “Назм ул жавоҳир” асарида ҳазрат Алининг жамланган ҳикматларидан 139-ҳикматни шарҳлашда “ахий” сўзини қўллайди:

Долла ман боъ ад-дина бид-дунё (Динни дунёга алмаштирганлар адашдилар)

Дунё сори ким майл ўқин отти, ахий,
Анинг ваҳдиға белича ботти, ахий,
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёга бировки дунёни сотти, ахий.

XI асрда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилиб, энг қадимий ҳисобладиган туркий бадий адабиёт намунаси бўлмиш “Қутадғу билиг”да ҳам жавонмардликка хос бўлган сифатлар мадҳ этилган [20]:

Ҳиммат ҳақида:

Керак эрка ҳиммат, мурувват янги
Яфуз, юнчуғ андин йираса ўнги.
Кишиликка ҳиммат, мурувват керак.
Киши қадри ҳиммат, мурувват тенги.

Замонавий ўзбек тилида:

Жами эрга ҳиммат, мурувват зарур,
Ёвузни йўқ этмакка қувват зарур,
Кишиликка ҳиммат, мурувват керак,
Қадрлига ҳиммат, мурувват зарур.

Адолат ва тавозе ҳақида:

Ая бег, қатиғлан бу тақат тенги,
Тўру қил будунқа, тегургил ўнги.

Қали тушса тақсир яна узри қул,
Тилин тегмада, тавба қилғил янги.

Тетик бўлгин, эй бег ва қилгин тоқат,
Адолатли бўл, халққа қил марҳамат.
Хато тушса дарҳол сўр узрини,
Тилинган бу тавбани қўйма фақат.

XII асрда яшаб ўтган мовароуннаҳрлик Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақоик” ёки “Атабатул ҳақоик” номли панднома асарида ҳам айнан “жавонмард” сўзи ишлатилмасда, аммо фатийларга хос сифатларни касб этиш ҳақида сўз боради, жавонмардлик мазмуни сингдириб борилади. Асарда тавозуъ, саховат, карамлик, ҳилм, билимдонлик, аҳдга вафодорлик, адолат, тўғрисўзлик, сабр, раҳмшафқат, дўстлик, меҳрибонлик хулқ ва сифатларини касб этишга тарғиб қилиниб, хасислик, кибр, очқўзлик, ёлгончилик, нодонлик, сергаплик, зулмкорликдан қайтарилади [17].

Жумладан, сахийлик (Ақиллик) ҳақида шундай ёзади:

Aya dost bililgig izin izlegil [8]
Kalı sözlesenğ söz bilib sözleil
Aқи erni öggil öger erse sen
Bahılқа қатиғ ya oқun kezlegil

Эй дўст, билимли киши изидан бор,
Агар сўзласанг, ўйлаб, билиб сўзлагин.
Мақтасанг сахий кишини мақтагин,
Бахил кишига қаттиқ ўқ ёйини сақлаб қўйгин.

Қамуғ тил ақи ерсен асин аюур
Ақиллик қамуғ аюб кинин иуууур

Ҳамманинг тили саховатли кишининг мадҳини қилади, сахийлик кишиларнинг барча камчиликларини ювиб кетади.

Aқи bol safa söz sökünç kelmesün
Sökünç kelgü yolni aқilik tiyur

Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, лаънат йўлини саховат беркитади.

Ибн Баттутанинг “Сафарнома” асарида Марказий Осиё юртларида футувватга доир хусусиятларнинг намоён бўлиши.

Аббосий халифа Носир Лидиниллаҳдан (1158 – 1225) кейин келган халифалар унинг футувватни тарғиб қилиш ва сиёсий институтга айлантириш йўлини давом эттирдилар. Носирнинг набираси Мансур Мустансир Билаҳ (1192 – 1242) ҳам

мўғуллар ҳукмронлиги даврида футувватни фаол ёйишга ҳаракат қилди. У мўғулларга қарши кураш олиб бораётган Жалололдин Мангубердининг талабига мувофиқ ўз вакилларини юбориб, унга футувват шалворини кийдиришга муваффақ бўлди [15:76 – 77].

Мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё халқларининг жавонмардлиги мағриблик машҳур сайёх Ибн Баттутанинг ушбу минтақага қилган саёҳатида ёритилган, “Саёҳатнома” асарида “тирик” намоён бўлади. Ушбу саёҳат Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги энг мураккаб ва оғир вақтларга – мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Араб сайёҳи бу ерларга мўғуллар босқинидан юз йилча кейин келган бўлса ҳам, бир замонлар яшнаб ётган элларнинг оғир яралари батамом тузалганича йўқ, шаҳар вироналари ҳар қадамда билиниб туриши “Саёҳатнома” да аниқ ифодаланган эди. Шу билан бирга XIV асрнинг 30-йилларига келиб, Ўрта Осиё халқлари ваҳшиёна истило оқибатларини бир қадар енгиб ўтиб, собиқ савдо ва маданият марказларини қайта тиклашга улгурган эдилар. Ибн Баттута Марказий Осиёга келганда ҳудуд уч мўғул давлатига бўлинган эди: Олтин Ўрда, Ҳулагулар давлати, Чигатой улуси. Ибн Баттута Ўрта Осиёга Султон Тармаширин ҳукмронлиги даврида етиб келади [11:5–8]. Тармаширин ҳукмронлиги даврида мўғул ҳукмдорлари ислом динини расмий дин деб эълон қилган эдилар. Тармаширин ҳам “Саёҳатнома” да тасвирлангандек, жуда художўй мўғул ҳукмдори бўлган. Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати қайдларини ўқисак, у ерда халқ онгига сингиб кетган жавонмардлик намуналарини топамиз.

1333 йилда Ибн Баттута Марказий Осиёнинг Хоразм (уч ҳафта туради), Бухоро, Нахшаб, Самарқанд, Термиз, Ҳирот шаҳарларига боради. У ердаги тарихий шароитни тасвирлаш баробарида ижтимоий муносабатларни ҳам тасвирлаб ўтади. Жумладан, сайёх Хоразмга борганда шаҳар ташқарисиддаги Нажмиддин Кубро мақбараси ҳузуридаги зовияни кўради. У ерда барча келиб кетувчи мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом ҳозирланганини қайд этади. Шунингдек, Ибн Баттута Хоразм амирининг аёли барпо этган яна бир зовияни зикр қилиб, унда ҳам барча келиб кетувчи мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом улашинишини қайд этади. Ушбу зовияда меҳмон шарафига шаҳарнинг фақиҳлари ва обрўли шахслари таклиф қилиниб, амирнинг аёли Тўрабека зиёфат беради. Ибн Баттута ушбу аёлни “энг афзал, энг солиҳа ва энг сахий аёл” деб тавсифлаб, унга қимматбаҳо пўстин ва яхши от тақдим этганини қайд қилади [10:332 – 335].

Ибн Баттута Хоразмдан Нахшаб (Қарши)га йўлга чиқиб тўрт кундан кейин Қиёт шаҳрида тўхтаб ўтди. У ерда ҳам унга кўрсатилган меҳмондўстликни тавсифлаб ўтади. Шаҳар қозиси ўз талаблари ҳамда тақводор шайх Маҳмуд Хивақий билан меҳмоннинг келганини эшитиб, у тушган жойга келадилар. Шунда шайх Маҳмуд ажойиб бир илтифот билан “Келган меҳмон зиёрат қилиниши керак, агар ҳиммат қилсак шаҳар амирини ҳам бу ерга олиб келамиз” деди. Бир оз вақтдан сўнг шаҳар амири ўз мулозимлари билан меҳмон зиёратига келди. Амир шаҳарнинг олим, сипоҳий ва кўзга кўринган шахсларини йиғиб меҳмон шарафига зиёфат берди ҳамда тўн ва сафарини қулай давом эттириши учун яхши от тортиқ қилди [10:337].

Бухорода Ибн Баттута Фатҳобод мавзесига тушади. “Бу ерда улуг авлиёлардан бири аллома зоҳид Сайфиддин Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайхга нисбат берилган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, ундан мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом улашилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, ҳожи Яҳё Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан тиловат қилдилар, воиз эса мавъиза қилди. Қўшиқчилар форсий ва туркий тилларда ажойиб қўшиқлар ижро этдилар. Бу энг ажойиб кечалардан бири бўлди”, – деб қайд этади Ибн Баттута [339].

Самарқандга етиб борган Ибн Баттута Қусам ибн Аббос мақбараси ва ундаги зовияни тасвирлайди. Зовияда меҳмон ва зиёратчилар яшайдиган мусофирхона ташкил этилганини, у ерда мусофирлар ва ходимлар учун нафақа қилинишини қайд этади [10:347].

Самарқанддан Насаф орқали Термизга етиб келган Ибн Баттута Шайх Азизон зовиясига тушганини қайд этади. Бу зовияда ҳам келган-кетган мусофирларга инфоқ қилинишини эслаб ўтади [10:349].

Жайхун дарёсидан ўтиб, Балхга кириб борган Ибн Баттута у ердаги жоме масжиди билан боғлиқ бир воқеани зикр қилади: “Бир йили аббосий халифа Балх аҳолисининг қандайдир ишидан норози бўлиб, уларни жазолаш мақсадида катта хирож ундириш учун амирини юборди. Амир Балхга етиб келганида шаҳардаги аёллар болалари билан Балх волийсининг хотини ҳузурига келиб, ўз ҳолатларидан, бу жазо машаққатидан арз қилдилар. Шунда аёл хирож ундиришга келган амирга ўзининг қимматбаҳо жавоҳирлар билан безалган кўйлагини бериб юборди. Бу кўйлакнинг баҳоси ундириладиган хирож миқдоридан ҳам зиёд экан. Аёл амирга: “Сен

бу кўйлакни халифага олиб бор, Балх аҳолисининг аҳволи танг бўлгани учун улар номидан садақа қилдим”, – дебди. Амир қимматбаҳо кўйлакни олиб бориб халифа олдида ёйиб қўйди ва бўлган воқеани сўзлаб берди. Халифа хижолат чекиб: “Наҳотки бир аёл биздан кўра ҳимматлироқ бўлса!?” деб, Балх аҳолисидан жазони кўтарди, кўйлакни аёлга қайтаришга амр берди ва Балх аҳолисини бир йиллик хирождан озод қилди. Амир Балхга қайтиб келиб, халифа ҳузурига бўлган гапни аёлга айтиб берди ва кўйлагини қайтарди. Аёл амирдан сўради: “Бу кўйлакка халифанинг кўзи тушдими?” “Ҳа”, деди амир. Шунда аёл: “Номаҳрамнинг кўзи тушган кўйлакни асло киймасман”, – деди. Аёл кўйлакни сотишга буюрди. Ушбу маблағга масжид, зовия, унинг рўпарасига работ қурилади. Работ ҳамон обод бўлиб турибди. Кўйлак пулининг ортган учдан бир қисмини аёл масжид устунларидан бирининг остига кўмишга буюрди. Токи зарурият бўлганда ундан фойдаланиш осон бўлсин, деб. Балхни эгаллаган Чингизхон бу воқеани эшитиб, масжиднинг учдан бир устунларини буздириб, лекин барибир ҳеч нарса топа олмади” [10:349–350].

Юқорида келтирилган маълумотлар Марказий Осиё халқларининг оғир шароитда ҳам жавонмардларга хос бўлган меҳмондўстлик, мардлик, ийсор, мусофирпарварлик каби хусусиятлари давом этганини тасдиқлайди. Бу хусусият аёлларда ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлганини Ибн Баттута бир неча аниқ мисоллар орқали қайд этади.

Ибн Баттута ўз асарининг “Хирот шаҳри ва унинг султони” деган бобда хуросонлик сарбадорларни тасвирлаб ўтади. Уларни ироқлик шуттор ва мағриблик суқурлар билан баробар дейди. Уларнинг аввал йўлтўсарлик қилганларини, ўзлари рофизий эканларини қайд эта туриб, ҳалолликда ҳам мақтаб қўяди: “Уларнинг (сарбадорларнинг) қароргоҳида динор ва дирҳамлар тушиб қолса, эгаси келиб олмагунча ҳеч ким тегинмас эди” [10:353].

Амир Темур давридаги футувват ҳаракати сифатида сарбадорларни қайд этиш мумкин.

Сарбадорлар ҳаракати Хуросонда XIV асрнинг 30-йилларида мўғул босқинчиларининг жабрситамларига қарши пайдо бўлган ҳаракатдир. “Сарбадор” сўзи ҳам айнан озодлик йўлида “бошини дорга тиккан”лар деган маънони англатиб, шу йўлда жонини фидо қилиш йўлини танлаганларга нисбатан қўлланган. Хуросонлик сарбадорлар пойтахти Сабзавор шаҳри бўлган, мўғуллардан мустақил давлат ташкил этишга муваффақ бўлганлар. Бу давлат ҳаттоки 45 йил ҳукм сурган (1337 – 1381). Яқин Хуросондаги бу ҳаракат Мовароуннаҳрга, хусусан, ўрта асрларда бу минтақанинг энг ғалаён-

ли шаҳарларидан бўлган Самарқанд аҳолисига ҳам куч берган эди. Натижада 1365 йил Самарқандда мўғулларга қарши сарбадорлар ҳаракати авж олди. Сарбадорлар Самарқанд аҳлини бостириб келаётган босқинчиларга қарши сафарбар қила олдилар. Халқ озодлик ҳаракатига сарбадорлар – Мавлонозода Самарқандий, Мавлоно Хўрдак ва Абу Бакр Калавийлар раҳбарлик қилдилар. Сарбадорлар бошчилик қилган халқ қўшини мўғулларни енгиб, уларни кетишга мажбур қилдилар ҳамда шаҳарда ўз ҳукмронликларини ўтказадилар. 1366 йил баҳорда Мовароуннаҳр амирлари Амир Хусайн ва Амир Темур сарбадорлардан ҳам Самарқанд шахрини олиб қўйдилар. Кейинчалик Амир Темур Хуросондаги сарбадорлар давлатига ҳам барҳам беради. Ҳозирги кунда ҳам самарқандлик сарбадорлар Самарқандда қандай давлат бошқаруви фаолиятини амалга оширганлари тўғрисида манбалар топилмаган [6:362–375]. Темурийлар даврида сарбадорлар мавзуси кўп ҳам муҳокама қилинмаган.

Темурийлар даври адабиётида футувват ташкилот сифатида очиқ-ойдин ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унинг гоյлари илғор шоирлар асарларига синган эди. Навоий бу масала борасида, айниқса, “Сабъаи сайёр” достонида муҳим фикрлар айтишга эришади.

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достони ҳикоятлари қаҳрамонларида футувват эгаларининг хислатларини кўрмоқчи бўлади ва шу сабабли улар инсон сифатида комилликка яқин туради. Достондаги “аввалги иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг фасона демаги” бобида келтирилган Ахий ҳақидаги ҳикоят барча ҳикоятларнинг маъно-мазмунини ўзида жамлаган ҳикоятдир, яъни саховат ва ийсорнинг энг олий намунаси ҳақидадир. Бу ҳикоятларда ахийликка хос бўлган барча фазилатлар куйланади. Жумладан, Ахий отининг ўзи ҳам футувватли киши, дўст демақдир.

Футувват йўли биринчи ҳикоят қаҳрамони Ахий учун ҳаёт йўли эди. У ҳар бир ишини футувват аҳдининг қонун-қоидалари асосида бажаради. Шуниси аҳамиятлики, Навоий қаҳрамонлар номларини аташда ҳам рамзийликка эътибор қаратган. Шоир асардаги Ахий образи орқали айнан Кичик Осиёдаги футувват – ахийликнинг гўзал намунасини ифода этган.

Навоий асарларини таҳлил қилиш асосида унинг жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини англаш мумкин. Зеро, у ўз асарларида жавонмардлик мавзусини ташкилот сифатида эмас, балки юксак ахлоқий меъёрлар нуқтаи назаридан кўриб чиққан.

XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоий атрофида тўпланган аллома, шоир ва донишманд-

лар орасида машҳур ва қомусий истеъдод эгаларидан бири Воиз Кошифийдир (1442 – 1505). Кошифий ҳам ўз асарларида футувват-жавонмардлик масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, “Футувватномаи султоний” Хусайн Воиз Кошифийнинг шу йўналишдаги махсус асари ҳисобланиб, уни таълиф этишда ўзидан олдин шу жанрда ижод қилган Қушайрийнинг “Рисола”, Меъморий Бағдодийнинг “Китаб ал-футувва”, Абдураҳмон Суламийнинг “Китаб ал-футувва”, Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб”, Абдуллоҳ Хусайн Кошийнинг “Тухфат ал-ихвон” асарларига эргашган. Шу билан бирга Ғаззолийнинг “Кимийи саодат”, Абу Саид Абулхайрнинг “Асрор ат-тавҳид”, Кайковуснинг “Қобуснома” ва бошқа асарлардан истифода этган. Асарда Кошифий Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихё улум ад-дин” асаридан ҳам кенг фойдаланади. Жумладан, меҳмондўстлик, таомланиш, қўшничилик каби фаслларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, муаллиф Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асаридан ҳам унумли фойдаланган [16:113].

Хусайн Воиз Кошифий ўз асарида футувватни тариқатнинг бир бўлаги сифатида кўради. “Футувватномаи султоний” асарида эса футувват тариқатнинг бир қисми сифатида, жавонмардлик удумлари, анъаналари тасаввуф билан уйғун ҳолда батафсил баён қилинади. Хусайн Воиз Кошифий футувватга доир 71 та шартни кўрсатган. Ана шуларнинг барчаси иккита сифатда мужассам бўлади: саховат ва шижоат.

Футувватнинг кейинги даврда, хусусан XIX асрда Бухородаги кўриниши – “олуфталар” ҳақида бухоролик машҳур ёзувчи Садриддин Айний (1878 – 1954) ўзининг “Эсдаликлар” китобида зикр этади.

Олуфталар – ҳунарманд, оддий хизматчи тоифа бўлиб, содда, кўнгли очиқ, сахий ва мард бўлганлари тасвирланади. Ўзлари билан улфатчилик қилдиган кишининг ҳурматини жойига қўйиб, зиёфат чўзилиб кетса, узоқроқда турадиган меҳмонни биров хафа қилмаслиги учун уйигача кузатиб қўядилар. Агар ким биландир дўст тутинсалар, дўст учун жонини фидо қилишга тайёр эдилар. Улардан бирига кимдир ноҳақ қўполлик қилса, уни аямай жазолар эдилар. Уларни ташқи кўринишларидан таниб олиш мумкин эди: пошнаи пойабзал, саллани текис ўраб, унинг печини орқага калта тушириб қўядилар, белга қийиқча боғлаб, унга қинли иккита пичоқ осиб юрадилар. Кўйлакаларининг олди ёпиқ, четлари кашта билан тикилган.

Олуфталар уюшмасининг раҳбари “марди-мардон” деб юритилар эди. У сариқ эчки терисидан ишланган пошнаси учли ковуш кияр, кичик салла ўраб, афғончасига печини узун тушириб қўяр, қи-

шин-ёзин чакмон кийиб, кийикчасига кичик қинли пичоқ осиб олар эди.

Олуфталар учун “саттор” деган қасам сўзи жуда муқаддас эди. Зеро, кимдир қаттиқ қасам ичмоқчи бўлса: “Саттор мен бу ишни амалга ошираман!”, дер эди. Уларда ичилган қасам ҳар қандай ҳолатда, жонни фидо қилиб бўлса ҳам бажарилар эди. Узрли сабабларсиз амалга ошмаган қасам эгасига “номард” деган ном берилган.

Олуфталар пайшанба куни кечқурун ўзларидан бир кишининг уйида тўпланишар, зиёфат қилишар, жума куни эса шаҳар айланишар ёки шаҳар ташқарисига чиқишар эди.

Садриддин Айний яшаб тасвирлаган XIX аср Бухоро шаҳрида Бухоро олуфталари раҳбари – марди-мардон Моркуш мавзесидан Маҳдум Муҳаммадий номли 50 ёшлар чамасидаги тикувчи-хунарманда бўлган.

Садриддин Айний Маҳдум Муҳаммадий билан содир бўлган бир воқеани қайд қилади. Бир куни косиблар сардори ўз укасига бозор ичида ҳурматсизлик кўрсатган олуфталардан шикоят қилиб марди-мардонга мурожаат қилади.

Маҳдум Муҳаммадий унга укасини юборишни айтади. Маҳдум Муҳаммадий ҳақорат қилинган шахсни эргаштириб Бухоро кўча ва расталарини айланиб чиқади. Марди-мардон Чорхарас, Говкушон, Сису, Саррофон мавзелари, чойхоналар, ипчилар, тўқувчилар расталаридан ўтдилар, ундан майизчилар ва қовоқ бозорларидан ўтиб Хожа Муҳаммад Паррон мақбарасига чиқдилар. Чилангарлар растасидан ўтиб, Сиёҳгарон ва Мародихон, янги бозор, Муҳаммад Ғаззолий ва Даббиёндан ўтиб Ғозиён ҳовузи олдига қайтиб келди. Шу айланиб чиқишнинг ўзидаёқ Бухоро олуфталари ўртасида “марди-мардон”нинг сайри овоза бўлди. Бутун шаҳар косиблар сардорининг укаси Маҳдум Муҳаммадий ҳимоясига олинганини тушуниб етди. Шундан сўнг ҳеч бир кимса унга нисбатан тажовузкорлик қилмади [3].

Футувватнинг бундай маҳаллийлашган алоҳида кўриниши ҳақида бошқа минтақаларда маълумотлар учрамайди.

Кейинги давр адабиётларида футувват ғоялари таъсирида хунармандчилик ва касб-хунарга оид махсус адабиётларнинг шаклланиши ва аҳоли орасида кенг тарқалиши кузатилади: деҳқоннома, чорвадорнома, сайёднома, мерганлик рисоласи, мусаввирнома ва бошқа.

Бу асарлар касб-хунар пирлари, касбнинг пайдо бўлиш тарихи, касб жараёнида ўқиладиган дуолар, ўша касб билан шуғулланган пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги маълумотлар, касбга доир савол-жавоблардан ташкил топган.

Масалан, “Мерганчилик” рисоласида милтиқ отиш кимдан қолганлиги, милтиқни қўлга олганда, бўйинга илганда, киссани боғлаганда, нишонга олганда, югурганда, пилтани тўқиганда ва ўқ жойлаётган вақтда қанақа дуолар ўқирилиши ёзилган. Бундан ташқари мерганчиликнинг 12 та шарт ва 5 та ҳукми баён қилинган. Милтиқнинг ўнг ва чап ёнини ажрата олиш, мерганчилик фазилатларига доир ривоятлар, тўртта ҳақиқат пири, тўртта мазҳаббошилар, тўртта маърифат ва тўртта рукн пирлари каби масалалар батафсил ёритилган. Рисола савол-жавоб услубида ёзилган [14].

“Деҳқончилик” рисоласи эса Аллоҳга ҳамд, Пайғамбарга наът билан бошланган. Сўнгра, силсиласи Одам Атога бориб етадиган ўн саккизта пирнинг номлари санаб ўтилган. Шундан кейин қорамол ва омочнинг қаердан пайдо бўлгани, қўш қўшиш, қўш ҳайдашдаги қоидалар, экин экиш тартиби, экинни суғориш қоидалари, шунингдек, экин экишда, суғоришда, қўш қўшганда, йиғим-теримда, ғарам қилганда, хирмон қилганда ўқиладиган дуолар батафсил ёритиб берилган. Рисола савол-жавоб услубида ёзилган [7]. Ушбу адабиётлар бевосита ҳар бир касб-хунарга оид анъана, одоб ва қоидалар шаклланишига хизмат қилган.

Жавонмардлик миллий анъана шаклида ўзбекларнинг урф-одатларига сингиб кетган. Меҳмондўстлик, ўзини камтар тутиш каби юксак фазилатлар билан бир қаторда, ёш фарзандларга маросимларда ҳолва едириш, белбоғ бойлаш, “жавонмард бўл” деб дуо қилиш ўзбекларнинг удумларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Райҳон Беруний. Ал-Жамаҳир фи маърифат ал-жавахир. Электрон нашр.
2. Абулқосим Қушайрий. Ар-Рисала ал-Қушайрийя. – Қоҳира: Дор аш-шаъб. – 351 б.
3. Айний С. Эсдалиқлар. [Повесть].— Тошкент: Уздавнашр, 1953.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақоик / Қ.Маҳмудов нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1972.
5. Bayram M. “Anadolu Ahiliğinin teşekkülünde” ki rolü açisından fütüvvet hareketi ve tarihi”. Selçuklu Medeniyeti Araştırmaları Dergisi 1: 51-73.
6. Бартольд В.В. Народное движение в Самарканде в 1365 г. Соч., т. 2, ч. 2. – М., 1964.
7. Деҳқончилик рисоласи. (Муаллифи номаълум). Ўзбекистон халқаро ислом академияси қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 241/II.
8. Edip Ahmet B. Mahmud Yükneci. Atebetu'l Hakayik.Reşid Arat. Ankara: Türk Dil Kurumu,2006.

9. Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий диро-сат ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳ-за ал-Арабийя, 1980. – 374 б.

10. Ибн Баттута. Тухфат ан-нуззор. / Ж. Жу-вайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011.

11. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993.

12. Yakup Karasoy. Ahi Kelimesi ve Türk Kültüründe Ahilik /. – Konya, 2003. Türkiyat Araştırmaları Dergisi, 14. sayı, 1-23 sayfa.

13. Калабодий. Таарруф. – Қоҳира: Хонажи, 1994. – 142 б.

14. Мерганчилик рисоласи (Муаллифи номаъ-лум). Ўзбекистон халқаро ислом академияси қўлёз-малар фонди. Қўлёзма № 241/III.

15. Мустафо Жавад. Ибн Меъморнинг “Китаб ал-футувва” асари кириш қисми. – Байрут: Ал-вар-рақ ли-н-нашр, 2012.

16. Муҳаммад Жаъфар Маҳжуб. “Футувват-номаи султоний” асари нашрининг муқаддимаси. Электрон нашр (форс тилида).

17. Neslihan Başkan. Atebetü'l-Hakayik bağlamında ahlâk kavramı ve tip etiği. Eskişehir Osmangazi Üniversitesi. Анкара, 2013.

18. Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳи-ра: Дор ар-райён, 1988. 2 жилдлик. – 700, 720 б.

19. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Қ.Ка-римов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1972. – 961 б.

20. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тош-кент: Ғ.Ғулом, 1971.

21. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / С.Мутталибов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1960. Т.1. – 500 б.

22. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / С.Мутталибов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1963. Т.3. – 460 б.

Ibrohim USMONOV,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори,
тарих фанлари номзоди, доцент*

